ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ПЕДАЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ

Барно Таджимовна Бадалова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогтка институти

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим борасидаги муаммолар ва бола физиологиясининг унинг таълим олишидаги ҳамда психолоиясига таъсири шу билан бирга таълим беришда бола ёшининг ўрни кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: таълим, физиология, психология, педология, таълим, фан.

EDUCATION SYSTEM AND THEORY OF PEDALOGY

Barno Tadjimovna Badalova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article discusses the problems of education and the impact of the child's physiology on his education and psychology, as well as the role of the child's age in education.

Keywords: education, physiology, psychology, pedology, education, science.

КИРИШ

Педагогларни энг уйлантирадиган муаммолардан бири бу гносеологик (*билиш*) омил билан боғлиқ муаммодир. Яъни қандай ёндошилса ўқувчи кўпроқ маълумотни эслаб қолади ва уни амалда ишлата олиши мумкин. Ва ёки бошқача қилиб айтганда билим, кўникма, малака қайси ҳолатда болада кўпроқ, мукаммалроқ шаклланади? Юқорида келтирилган саволлар замонавий педагогиканинг энг асосий муаммоларидан биридир.

Инсоният ўз тарихи давомида эришган ютуқларнинг деярли барчаси таълим-тарбия ва ёки бир сўз билан айтганда фан билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам замонавий ривожланган мамлакатларнинг барчаси ривожланиш стратегияларини айнан таълим соҳаси билан ўзвий боғлиқликда олиб боришган. Зеро 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида урғу берилган ва таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар заминида ҳам айнан мана шу стратегияда назарда

тутилган режалар ётибди. Демак Ўзбекистон ҳам ўз келажагини фаннинг ривожланишида кўрмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим тизимининг асосий иштирокчилари иккита яъни ўқитувчи ва ўқувчидан иборатдир. Бу жараён инсон омили билан боғлиқдир. Инсон эса ўзгарувчан руҳиятга эга ва ёки инсон кайфиятнинг махсулидир. Шуларни инобатга олиб ривожланган мамлакатларда педология (***юн. бола ҳақидаги фан***) соҳаси ривожлана бошлади. Хусусан 1893 АҚШ Оскар Крисмен томонидан фанга киритилган ушбу термин кейинчалик ривожланиб боради. Бу термин ўз ичига болага таълим беришда тиббий, биологик, педагогик ва психологик ёндашувларни ўз ичига олади. Биз эса мазкур мақолада юқоридагилардан фақатгина психологик ёндашувни қисқача кўриб чиқамиз.

Психология соҳаси антик даврдан бошлаб ривожланиб келаётганнига қарамай ҳозирги вақтда ҳам жуда кўп ноаниқликларга эга. Бунинг сабаби инсон ўзгарувчан мавжудотдир. Яъни унинг руҳияти ёши, яшаб турган муҳити, шароити, билимлари, истеъмол қилаётан озуқаси ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. Бола ҳам бундай ўзгаришлардан холи эмас албатта.

Ҳар бир тарихий давр унда ҳукмронлик қилаётган илмий парадигмага қараб бола психологиясига бўлган муносабат борасида ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан; Антик давр олимлари ўзнинг натурфалсафий қарашларидан келиб чиққан ҳолда инсонга табиатнинг маҳсули сифатида қарадилар. Илк ўрта асрларда эса инсонга Худонинг маҳсули (креационизм) сифатида қарай бошладилар. Бу даврда инсоннинг ўз-ўзини англаши унинг Худони англашига олиб борувчи йўл сифатида қабул қилинган. Масалан, ўрта асрлар асосчиларидан бири бўлмиш Аврелий Августиннинг айтишича: “Инсон танаси унинг жони ёрдамида бошқарилади. Ушбу бошқарув эса ирода асосида содир бўлади. У бу таълимотини ихтиёрийлик (валюнтаризм) асосида қўрган бўлиб, кейинчалик бу йўналиш алоҳида йўналиш сифатида ривожланади” [1]. Бир сўз билан айтган унинг психология борасидаги қарашларининг асосида эътиқод ётар эди. Бу даврда нафақат психология, балки, барча фанлар эътиқодга ва ёки динга буйсундирилгандир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки уша даврдаги психологик қарашлар фаталистик асосга эга эди.

Ўрта асрларнинг охирига келиб вазият бирмунча ўзгарди. Хусусан, олдинги теоцентризм назарияси ҳукмролик қилаётган даврда инсон борлиқда деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмган бўлса, гуманизм даврга келиб эса инсон

биринчи ўринга чиқиб қолди. Энди инсонни ҳар томонлама ҳам моддий ва ҳам руҳий оламини ўрганишга аҳд қилишди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Шарқ мутафаккирларидан бир ёшга оид психофизиология билан тарихда илк бора бобокалонимиз Ибн Сино шуғулланган. У илк бор бола руҳий ҳолатининг ўзгаришини, унинг организмига боғлаб тушунтириб берди. Ва унинг қарашларидан ҳозиргача медицина вакиллари, психологлар ва биз педагоглар унумли фойдаланиб келамиз. Яъни болага таъсир ўтқазишда ва ёки дарс беришда унинг ёшини ва руҳий ҳолатини албатта ҳисобга олиш лозим. Шарқда асосан дидактик асарлар ва дидактикага асосланган тадқитларида болани қандай қилиб тарбияли, толерант дунёқарашга эга бўлган шахс қилиб тарбиялаш [2,3,4] ва ҳоказо масалалрни ўрганиб чиқишган.

Янги давр эса ўзидан олдиниги давр бўлмиш ренесанс даври қарашларини давом эттирди ва унга қушимча тарзда тажрибани (эмперика) фандаги асосий методлардан бири сифатида кўрсатди. Бу борада инсон психологиясига бўлган муносабат ҳам бирмунча ўзгара бошлади. Хусусан, Роттердамлик Эразмнинг рағбат назариясига кўра бола тарбиясида, ўрта асрларга хос бўлган авторитар методда эмас, балки, гуманизм асосида ҳаракат қилиш лозимдир. Чунки айнан рағбатлантириш методи орқали муносабатда бўлиш бола руҳига ижобий таъсир қилади ва унинг дарсга қизиқиши ҳамда яхшироқ ўзлаштиришга ундайди. Айнан мана шу замонда педагогикада бола индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиш тамойили ишлаб чиқилган бўлиб (1559 йилда Вютенберг мактабида илк бор таълим ёрдамида болага қувонч олиб келиш ҳамда таълим тизимида болага билиб беришда унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинади), ҳозиргача амал қилиб келинмоқда. Яъни боланинг касб танлашида унинг индивидул қобилияти ва қизиқишларни ҳисобга олиниши, унинг ўзлаштириш даражасини ошишига, натижада унинг сифатли кадр бўлиб етишишига кўмаклашади. Бунда асосий масъулият бугунги кунда боланинг ота-онаси, синф раҳбари, мактаб психологи ва қолаверса у қизиқадиган фан ўқитувчисига тушади. Айнан улар боланинг келажакда қандай мутахассис бўлишини ҳал қилади. Шу жойда яна шуни таъкидлаш лозимки болага гуманизм тамойили ила ёндашув бошланғич синф ўқитувчиларга ҳам боғлиқдир. Чунки ҳар биримизни илм дунёсига олиб кирувчи зот бу бошланғич таълим ўқитувчиларидир.

Умуман янги давр олимлари бола ақлий ва психик ривожланишини ташқи таъсир ва ёки атроф-муҳит билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг камчилиги замонамизнинг буюк рус олимаси Татьяна Давидовна

Марцинковскаянинг айтишича “бу замон олимлари болага пассив мавжудот сифатида қараганлар. Ва катталар болани худдики юмшоқ лой сингари ўз тарбиявий усуллари билан хоҳлаган шаклга кирита оладилар”. Аслида эса олиманинг фикрича бола психологияси мураккаб жараён бўлиб унинг шаклланиши ҳамма вақт ва тўлиқ ташқи муҳит билан боғлиқ эмас. Шу уринда биз субъектив омилларни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз лозимдир.

Ушбу давр вакили бўлмиш Христиан Вольф (1679-1754) ўзининг “Қобилиятлар психологияси” номли асарида инсон қобилияти ва қизиқишлар асосини ўрганади ва ушбу асари орқали Европа илмий доирасига психология атамасини киритади. Унгача бу тушунча турли атамалар ёрдамида ўрганилган эди.

Лекин янги давр вакиллари инсон руҳиятини механик жараён сифатида ўргана бошлашди. Энг янги замонга келиб, хусусан, экзистенциолизм тарафдорлари механистик қарашни рад этиб, инсон психологияси алоҳида ва индивидуал жараён эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Шу билан энг янги даврга келиб инсонга нисбтан яна янгича қараш бошланди. Бу қарашлар натижасида Фрейднинг психоанализ назарияси ва шу каби турли оқимлар пайдо бўлди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий педагогикада бола руҳияти ва психик ўзгариш ҳолатларини билмасдан натижага эришиб бўлмайди. Бунинг сабаби ҳар бир бола алоҳида “Мен”га эга бўлиб, унга мана шу ўзининг “Эго”сига қараб муомаала қилиш лозимдир. Шу билан бирга уларнинг ўзлаштириш натижалари ҳам ҳар хилдир. Яъни боланинг ўзлаштириши унинг яшаб турган муҳити, озуқаси, жисмоний соғлиғи ва албатта руҳий ҳолати билан боғлиқдир. Мана шуларни пайқаган бир қатор АҚШ олимлари педология соҳасида ўз тадқиқотларини бошладилар. Хусусан, Г.С.Холлом, Ж. Болдуин ва 20 аср рус олимлари В.М.Бехтерова, А.П.Начаев, Э.Мейман ва дифектолог Г.И. Россолимларни шулар қаторига қушиш мумкин. Россияда ҳаттоки педологик институтлар “Болалар уйи” (Дом ребенка) ташкил этилди ва уларда бир нечта тажрибалар ўтқазилди.

ХУЛОСА

Юқоридаги тадқиқотлар натижасида Совет иттифоқи таълим тизимидаги айрим камчиликлар маълум бўлди. Масалан унда, боланинг ривожланишида унинг наслини инобатга олиш масаласи. Лекин 1936 йилда бу таълимот Совет иттофоқи ҳудудида “ёлғон таълимот” сифатида эълон қилинди. Чунки бу

юқорида кўрсатилган инсонннинг индивидуал қобилиялари компартия мафкурасига тўғри келмас эди. Шу билан бу таълимот Совет иттифоқи ҳудудида шу жумладан бизнинг мамлакатимизда ҳам бу йўналиш ривожланмай қолиб кетди. Бунинг асорати ҳанузгача ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Зеро педологияга асосланган таълим бу болага бир бутун феномен сифатида қарашдир. Яъни унинг физиологияси, психологияси, ўзлаштириш қобилияти, келиб чиққан муҳити ва бошқа омилларга комплекс ёндошиш демакдир.

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислоҳотларга [5] педология соҳасини ривожлантириш масаласи қушилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби ислоҳотлар моддий ресурслар билан эмас, балки инсон омили билан боғликдир. Шу сабабли бизнингча таълим беришда ҳар бир бола шахсига алоҳида бир феномен сифатида қарасакгина кутилган натижа эриша оламиз.

REFERENCES

1. Марцинковская Т.Д. История детской психологии. — М., 1998. С-19.
2. Gafforova, G. G., Khaitmetov, R. K., & Madalimov, T. A. (2020). A STRATEGY OF ACTION AS A COMPLEX SYSTEM. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, *90*(10), 448-452.
3. Абдусаматова, Ш. С., & Исматов, И. И. (2020). Межличностные отношения к проблеме влияния человеческого темперамента. *Высшая школа нучно-практический журнал*, *1*, 36-39.
4. Абдусаматова, Ш. С. (2020). Талаба ёшларнинг интеллектуал ижодий салохиятини ривожлантириш. *“Замонавий педагогиканинг долзарб муаммолари” илмий мақолалар тўплами*, *1*, 203-205.
5. Золотых, Н. В., & Хайтметов, Р. К. (2020). Условия формирования компетентности будущего педагога в личностно-развивающей воспитательной деятельности. *Academic Research in Educational Sciences*, *1*(2), 113-119.
6. Badalova, B. (2020). Modern Methods of Teaching Russian and Uzbek as a Foreign Language to Students. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2).
7. Бадалова, Б. Т. (2019). Литература как метод преподавания иностранного языка. *Молодой ученый*, (6), 197-198.
8. Badalova, B. (2020). Lesson Competition Element in Russian. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research*, *6*(5), 535-537.
9. Aktamovich, I. R., & Ziyadillayevich, I. A. (2020). Historical and Theoretical Roots of Establishing a Democratic Law in Uzbekistan. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 6(10), 507-510.

10. Ikramov, R. (2020). Constitutional and Legal Framework for Environmental Human Rights. The scientific heritage, 4(54), 6-12.
11. Икрамов, Р. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. Вестник науки и образования, 14(92), 88-90.
12. Eshchanov, B., & Matyakubov, K. (2020). Using of Information and Communication Technologies in the Teaching of the School Course in General Physics. *International Journal of Scientific & Technology Research (IJSTR)*, *9*(02), 4119-4124.
13. Eshchanov, B. K., & Arzikulov, Z. K. (2020). Using information technology in the teaching of atomic physics in higher educational institutions. *International Journal of Scientific & Technology Research*, *9*(2), 6218-6222.
14. Eshchanov, B., Gaipov, D., & Egamberganov, I. (2020). Using distance learning in collaboration with social networks in teaching photonics and optoinformatics. *International Journal of Scientific & Technology Research*, *9*(2), 3809-3815.
15. Kholikova, N. (2020). Poetic Features Of Uzbek Poetry Of The National Awakening Period. *Theoretical & Applied Science*, (4), 615-623.
16. Kholikova, N. D. (2020). The genesis and poetic evolution of character Shirin. *Alisher Navoi and the XXI centure*.
17. Kholikova, N. D. (2020). The period of national awakening in uzbek poetry echo of the treasure voice of the nation. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(06), 4045-4054.
18. Parmanov, A. B., Nurmonov, S. E., Abdugafurov, I. A., Ziyadullaev, O. E., & Mirkhamitova, D. X. (2019). Synthesis of vinyl ester of lactic acid. *Евразийский Союз Ученых*, (7-2 (64)).
19. Ziyadullayev, O. E., Sh, E. B., Iminjonov, Z. Z., Menglibekov, A. B., & Komilov, T. O. (2016). Lost-circulation control with using aerated liquids. *World Science*, *1*(3 (7)), 45-47.
20. Saydakhmetova, D. (2020). TEACHING RUSSIAN AS A FOREIGN LANGUAGE THROUGH STORIES. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(5).
21. Сайдахметова, Д. Х. (2020). МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОЦЕНОЧНЫЕ ПРОГРАММЫ (PISA, TIMSS, PIRLS) И ПОДГОТОВКА УЧЕНИКОВ К НИМ. *Science and Education*, *1*(Special Issue 2), 112-120.